



Журналга 1958 йил январда  
Ойбек асос солган.

Бир йилда олти марта чиқади.

1  
—  
2022

Ўзбекистон Республикаси  
Фанлар академияси  
Ўзбек тили, адабиёти  
ва фольклори институти

Тошкент – 2022

O'ZBEK TILI, ADABIYOTI  
VA FOLKLORI INSTITUTI

ЎЗБЕК ТИЛИ, АДАБИЁТИ  
ВА ФОЛЬКЛОРИ ИНСТИТУТИ

*Бош муҳаррир:*  
Низомиддин МАҲМУДОВ

*Таҳрир ҳайъати:*

Мақсуд АСАДОВ  
Раҳматулла БАРАКАЕВ  
Ғулом ИСМОИЛОВ  
Наим КАРИМОВ  
Баҳодир КАРИМОВ  
Дурдона ЛУТФУЛЛАЕВА  
Абдуваҳоб МАДВАЛИЕВ  
Сувон МЕЛИ  
Ёрқинжон ОДИЛОВ  
(бош муҳаррир ўринбосари)  
Эргаш ОЧИЛОВ (масъул котиб)  
Гулчехра РИХСИЕВА  
Шомирза ТУРДИМОВ  
Боқижон ТҮХЛИЕВ  
(бош муҳаррир ўринбосари)  
Алмаз УЛВИЙ  
Бахтиёр ФАЙЗУЛЛОЕВ  
Дурдона ХУДОЙБЕРГАНОВА  
Жаббор ЭШОНҚУЛОВ  
Бердак ЮСУФ  
Улугбек ҲАМДАМОВ  
Хайрулла ҲАМИДОВ  
Иброҳим ҲАҚҚУЛОВ

Манзилимиз:  
100060, Тошкент, Шаҳрисабз топ кўчаси, 5-уй  
Телефон: (71) 233-71-44  
E-mail: jurnal\_uzlit@mail.ru

Ўзбек тили ва адабиёти  
№ 1, 2022

Мухаррир: Э. Очилов  
Компьютерда саҳифаловчи: Баҳром Ёғду

Журнал Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги томонидан  
19.10.2021 йилда рўйхатга олинган.  
Гувоҳнома № 0053

Нашриёт лицензияси № 1385, 21.01.2021 й.  
Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси  
«Фан» нашриёти давлат корхонасида нашрга тайёрланди ва чоп этилди.  
Буюртма рақами №: \_\_\_\_\_  
100047, Тошкент ш., Яҳё Ғуломов кўчаси, 70-уй.  
Тел.: +99899 7917555, +99871 2622154;  
email: fan\_ndk@mail.ru  
Қоғоз бичими 70×108  $\frac{1}{16}$ . Офсет босма.  
«Times New Roman» гарнитураси.  
Шартли босма табоби 8,5. Адади \_\_\_\_\_ нусха.  
Баҳоси келишилган нархда.  
6.05.2022 йилда босишга руҳсат этилди.

бошқа асарлари тадқиқи каби ҳали жуда узоқ вақт давом этади. Ажид маъноларга йўғрилган бебаҳо асарлари ичидагу инжулар, гавҳарлар адабиётшунос ғаввослар томонидан кашф қилина беради.

**РЕЗЮМЕ:** Мақолада Абу Ҳомид Ғаззолийнинг “Рисолат ат-тайр” асарида келтирилган қуръоний иқтибослар таҳлилга тортилган.

**РЕЗЮМЕ:** В статье проанализированы коранические цитаты из книги Абу Хамида аль-Газзали “Рисалат ат-Тайр”.

**RESUME:** The article analyzes the Qur’anic citations from Abu Hamid al-Ghazali’s Risalat at-Tayyar.

**Таянч сўз ва иборалар:** Қуръон, иқтибос, сайёр сюжет, образ, тасаввуф, тимсол.

**Ключевые слова и выражения:** Коран, цитата, подвижной сюжет, образ, суфизм, символ.

**Key words and word expressions:** Qur'an, citation, planetary plot, image, sufism, symbol.

**М. ХУДОЙҚУЛОВА**

## **АДАБИЙ ТАНҚИДДА БАҲСНИНГ КЕЛИБ ЧИҚИШ ОМИЛЛАРИ ХУСУСИДА**

Адабий танқидда бадиий матн таҳлил қилинап экан, ундаги бадиий воқелик билан реал воқелик қиёсланади, асарнинг бадиий ҳақиқати ҳаёт ҳақиқатига қанчалик тўғри келишини аниқлашга, асарда қўйилган муаммоларнинг ҳаётий илдизларини очишга интилиш мухим ўрин эгалтайди. Бу жараёнда юзага келадиган адабий танқид жанрлари сингари баҳс, мунозара ўзига хос яхлит илмий-бадиий тафаккур воситаси сифатида адабиётни юксалтиришга хизмат қиласди.

Адабий танқид жанрлари ранг-баранг ва турли характерга эга бўлиб, адабиётнинг тараққиёти учун баравар кураш олиб боради. Маълум бир гурухга оид жанрлар бадиий асарнинг ёзилиши ва нашр этилишига алоқадор ташвиқотчилик характерига эга: тақриз, адабий-танқидий мақола, адабий мактуб жанрлари асосан, ана шундай вазифани бажарадилар. Бошқа бир гурух жанрлар ёзувчи ҳаёти ва ижодини умумлаштириш характерига эга: портрет-мақола, адабий портрет, танқидий-биографик очерк, эсселар шундай мақсадни кўзлади. Шу тариқа барча жанрлар бир мақсадни кўзда тутиб, ягона илмий-бадиий тизимни вужудга келтиради<sup>1</sup>.

Бадиий адабиётда бўлгани сингари адабий танқид ҳам тузилиши, адабий-эстетик хусусиятларига кўра, ўзаро ўхшаш ва фарқли жиҳатларга эга бўлиб, муайян гурухларни ташкил этади. Адабий-танқидий фикр бадиий асарга баҳо бериш талаблари билан юзага келди ва такомиллаша борди.

<sup>1</sup> Ахмедова Ш. Ўзбек адабий танқид жанрлари. – Тошкент: ”Фан”, 2008, 28-бет.

Адабий танқид жанрларининг кўпчилиги мумтоз адабиёт ва адабиётшунослик бағрида шаклланди, илдиз отди. Шу боис янги ўзбек адабиётининг пайдо бўлишида фольклор, мумтоз асарлар муҳим замин бўлгани сингари ўтмиш адабиётшунослиги ҳам адабий танқид жанрларининг пайдо бўлиши ва шаклланишида муҳим омиллардан бири бўлиб хизмат қилган<sup>2</sup>.

Адабий-танқидий баҳснинг генетик илдизини, энг аввало, халқ оғзаки ижоди, кейин эса мумтоз адабиёт ва адабиётшунослик тарихидан излаш тўғрирок бўлади. А.Хайитметов адабиётшунослик, хусусан, адабий танқидга оид фикрларнинг ўтмишда олти хил шакли мавжуд бўлганлиги хусусида фикр юритади ва уларнинг илк шакли сифатида “адабий мажлислар, адабий мунозара ва сұхбатлар”ни эътироф этади: “Адабий мажлис ва мунозара, сұхбатлар ўрта асрларда олим ҳамда шоирлар, адабиёт муҳлислари учун бадиий ижод устида фикр алмашишга энг қулай восита эди. Фикр алмашиш учун матбуот бўлмаган замонларда адабиёт тараққиётида бундай йиғилишларнинг аҳамияти жуда катта бўлган...

Адабий танқидчиликнинг бушакли, шубҳасиз, халқ оғзаки ижодчилари тўпланган жойларда ҳам мавжуд бўлиб, ижодий юксалишларга туртки берган<sup>3</sup>. Олимнинг хулосаларига таяниб, энг аввало, баҳс, мунозаранинг илдизини халқ оғзаки ижодидан излаш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз. Масалан, халқ оғзаки ижодидаги латифа жанрига эътибор қаратадиган бўлсақ, унда баҳс, мунозара унсурлари яққол кўринади. “Афанди халқ вакили сифатида амалдорлар билан яккана-якка тўқнашади, баҳслашади. У хон, подшо, бек, вазир, қози, муфти, эшон, домла, имом, савдогар, бой, амалдор ва бошқа ҳоким синф вакиллари билан маълум масалаларда тўғридан-тўғри, юзма-юз туриб мунозара қиласди”, – деб ёзди академик фольклоршунос Т.Мирзаев ”<sup>4</sup>.

Фольклордаги лоф жанрида ҳам баҳс, мунозарага хос белгилар кўринади. “Лоф айтишаётган икки киши тарафкашлик қилиб, бир-бирини ҳозиржавоблик ва чечанликда синар экан, ҳар қандай қийин масалани фавқулодда осойишталик билан ҳеч қандай ваҳима, дабдабасиз, оддий гап тарзида, босиқ оҳангда айтади-қўяди. Иккинчи томон ҳам гўё ҳеч гап бўлмагандек, шундай боплаб жавоб берадики, бу томошабинларда ёқимли, хушчақчақ кулги кўтарилишига сабаб бўлади, рақиби эса доғда қолади”<sup>5</sup>. Лофдаги икки кишининг бўлиши, мунозара қилиши, бирининг иккинчисининг устидан ғолиб келиши каби хусусиятлар адабий танқиддаги баҳса ҳам кўринади. “Лофда гап тагини гап очади, дейилганидек, баҳслашувчи томонларнинг ўта муболағали сўзига ҳайратомуз фикр тўқнаш келади. Мусобақада бир томон, албатта, ғолиб келади”<sup>6</sup>. Адабий танқидда эса муболағадан кўра аниқ, изчил фикр, мулоҳазани асослаш учун илмий далиллар келтирилади. “Лофларда диалог жуда қисқа бўлса,

<sup>2</sup> Ўша ерда, 29-бет.

<sup>3</sup> Хайитметов А. Алишер Навоийнинг адабий-танқидий карашлари. – Тошкент: “Фан”. 1959, 20-бет.

<sup>4</sup> Ўзбек халқ оғзаки поэтик ижоди. – Тошкент: “Ўқитувчи”. 1987, 180-бет.

<sup>5</sup> Ўша ерда, 184-бет.

<sup>6</sup> Ўша ерда, 185-бет.

айримлари эпик мазмунда бўлиб, латифа янглиғ тортишув давом этади. Бунда лофнинг композициясида шингил воқеаларнинг ўзаро боғланишида мантиқ кучи етакчилик қиласди”. Лофнинг мақсади, албатта, бошқа, адабий танқиддаги баҳснинг мақсади бошқа. Шунинг учун адабий танқиддаги баҳсда диалоглар жуда кам учрайди, аммо мантиқ кучи, ўзаро баҳслашув, тортишув мақолаларда, мактубларда давом этади. Композицион жиҳатдан ҳам фарқлар анча.

Композицияси тугалланган икки фикрнинг бир-бирига қарши қўйилишидан ташкил топадиган асия жанрида ҳам баҳсга хос хусусиятлар учрайди. Чунки баҳсда ҳам бир-бирига қарама-карши фикрлар, мулоҳазалар, қарашлар, адабий муаммоларни турлича талқин қилиш хусусияти кучли. Асияда ақл-идрок, ҳозиржавоблик, сўзни ўз ўрнида ишлатиш талаб этилади, адабий-танқиддаги баҳсда эса, биринчи ўринда, билим ва бадиий матнни чуқур англаш талаб этилади. Сўзни ўз ўрнида ишлатиш, нафакат баҳсда, балки адабий танқиддаги барча жанрларда энг биринчи талаб ҳисобланади. Асиянинг “пайров” турида “рақиб”га айтилган сўз ва жумла кўчма маъно касб этиши шарт. “Бундан ташқари у истиора, ўхшатиш, сифатлаш каби бадиий тасвир воситалари, таносиб, тажнис, муболаға сингари ифода воситаларидан кенг фойдалана билиши керак”<sup>7</sup>. Адабий танқид ўзига хос ижод тури ҳисобланади, унинг жанрлари, жумладан, баҳсда ҳам илмий-эстетик, образли тафаккурга кенг ўрин бериш шартdir. Шундай экан, баҳсга киришадиган танқидчилар асия учун керак бўлган ифода воситаларидан унумли фойдаланишлари керак бўлади, бунинг устига, адабий танқидий фикр ҳалққа, оммага қаратса айтилиши, унинг эстетик дидини ўстиришини инобатга оладиган бўлсак, баҳсда ҳам бадиий тасвир воситаларига эътибор қаратиш муҳимдир. Асия ижтимоий ҳаёт ҳодисалари, одамларнинг дунёқараси, оилавий турмушки, ўзаро муносабати, яхши-ёмон одатлари, орзу-истаклари асосида юзага келган. “Бинобарин, у тингловчилар, шинавандаларга эстетик завқ бериш билан бирга уларда дид-фаросат, ақл-заковат, завқ-шавқ, чертиб сўзлаш, ҳозиржавоблик ва бадиҳагўйлик хусусиятларини таркиб топтиришда муҳим роль ўйнайди”<sup>8</sup>. Баҳс эса ҳаёт ҳодисалари акс этган бадиий адабиёт ва ундаги муаммоларни ҳал этиши истаги асосида юзага келади. Адабий танқиднинг бошқа жанрлари сингари баҳс-мақола ҳам китобхоннинг эстетик дидини тарбиялашда, сўздан сўзни фарқлашда, яратилаётган ҳар бир асарга масъулият билан қараш туйғусини тарбиялашга хизмат қилиши билан аҳамиятлидир.

Кўринадики, адабий танқиддаги баҳснинг илдизлари ҳалқ оғзаки ижодига бориб тақалади, кейинги даврларда эса А.Ҳайитметов таъкидлаганидек, унинг белгилари мумтоз адабиётшуносликда ҳам учрайди.

XX асрнинг 20-йиллари охиридан адабиёт ва адабий танқиднинг кескин синфий кураш шароитида ривожланиши – уларнинг муҳим

<sup>7</sup> Ўша ерда, 281-бет.

<sup>8</sup> Ўша ерда, 286-бет.

хусусияти сифатида кўринади. Бу давр адабий жараёни учун характерли бўлган хусусиятлардан бири танқидчиликда мунозара ва мубоҳасанинг майдонга келишидир<sup>9</sup>. Бу йўналишнинг ривожланишидаги асосий хусусият шундаки, танқидчиликнинг кўп муҳим масалалари мана шу баҳсларда шаклланди ва мустаҳкамланди. Бу, шубҳасиз, ўзи хали кучли изланиш даврини бошдан кечираётган адабий жараённинг изланишда бўлган танқидчилиги учун табиий ва, айни вактда, зарурый хусусият эди. Шунинг учун ўзбек адабиётшунослигида баҳсу мунозаралар шаклланиб, турли даврларда турлича тараққий этиб келаётган бўлса-да, унинг илмий-назарий жиҳатлари, хусусиятларини тадқиқ этиш муҳим вазифалардан бири бўлиб қолади.

**РЕЗЮМЕ.** Ушбу маколада адабий танқидчиликдаги баҳс-мақоланинг келиб чиқишига ҳалқ оғзаки ижоди асос бўлгандиги тадқиқ этилган.

**РЕЗЮМЕ.** В данной статье рассмотрены источники статьи-полемики в литературной критике, которые являются основой фольклора.

**RESUME.** This article researches the origins of the controversy in literary criticism as the basis of folklore.

**Таянч сўз ва иборалар:** адабий танқид, жанрлар, баҳс-мақола, мунозара, танқидчи, адабий жараён.

**Ключевые слова и выражения:** литературная критика, жанры, статья-полемика, дискуссия, критик, литературный процесс.

**Key words and word expressions:** literary criticism, genres, debates, critic, literary process.

**Мунаввара ХИДИРОВА**

## **ТОҒАЙ МУРОД АСАРЛАРИДА ТАБИАТ ВА ИНСОН МАВЗУИ**

Жаҳон адабиёти намуналари билан яқиндан танишсак, инсон рухияти ва табиат тасвирлари худди ҳаёт сингари мураккаб ва хилма-хил эканлигидан ҳайратга тушамиз. Яъни уларда табиат ва инсон мавзуси ҳамиша асосий муаммолардан бири бўлиб келганлигига чукур ишонч ҳосил қиласиз. Чунончи, Навоий ёҳуд Бобур асарларида қаҳрамон ҳаёти, рухияти ва қалб кечинмалари ҳамиша табиат тасвири билан уйғун тарзда акс эттирилади. Абдулла Қодирийнинг “Ўткан кунлар” романидаги “Хўжа маъз” мозорида қоронғи кузнинг қоронғи тунидаги кучли ел ва Абдулла Қаҳхорнинг “Даҳшат” ҳикоясидаги кучли шамол тасвирлари ҳам қаҳрамонлар ҳолати ва тақдирни билан боғлиқ муҳим ғоявий-бадиий қимматга эга. Табиат ва инсоннинг ўзаро муносабатлари атоқли адаб Чингиз Айтматовнинг “Момо ер”, “Алвидо, Гулсари” ва “Қиёмат” каби асарларида ҳам ёрқин психологик тасвир ва фалсафий мушоҳадалар орқали ёритиб берилгани

<sup>9</sup> Тожибоев Р. XX аср бошлари ўзбек адабий танқиди тарихидан. НД. – Тошкент, 1993, 111-бет.

# МУНДАРИЖА

## Алишер Навоий таваллудининг 581 йиллиги

Б.Тўхлиев. “Маънолар хазинаси” сари янги йўл .....	3
М.Асадов. Навоий фардларининг образлар тизими1 .....	9
Қ.Эргашев. Алишер Навоий ва Рим тарихи.....	24
С.Рафиддинов. Навоий ижодида Каъба тавсифи .....	30
Э.Очилов. Навоий ва Огаҳий ҳикматлари: анъана, таъсир ва ўзига хослик ....	37
А.Эшонбобоев. “Хамса” ва замонавий талқин .....	48
А.Раззоков. Алишер Навоий ижодида бадиий тимсол ва тасаввуфий талқин..	53

## Тилшунослик

Ш.Кўчимов. Ўзбек тилшунослигига фанлараро интеграция ва унинг давлат ҳамда жамият тараққиётига таъсири .....	59
З.Муқимова. Оламнинг лисоний манзараси термини .....	66

## Илмий ахборот

М.Сайдакбарова, В.Жўрақўзиева. “Рисолат ат-тайр”да куръоний иқтибослар талқини.....	74
М.Худойкулова. Адабий танқидда баҳснинг келиб чиқиши омиллари хусусида	78
М.Хидирова. Тоғай Мурод асарларида табиат ва инсон мавзуи .....	81
Р.Хидиров. Навоий асарларидағи айрим тиббий атамаларнинг лексик-семантик хусус-сиятлари.....	86
Ж.Юлдашев. Усмон Носир шеърларида бадиий такорнинг лингвопоэтик имкониятлари.....	90
М.Отабоева. Таржимада муаллиф услубини сақлашшуаммолари .....	96
М.(Юлдашева) Рустамова. “Кумдаги хотин” романни таржимасидаги айрим ўхшатишлар.....	100

## Фанимиз заҳматкашлари

М.Кўчкорова. Бетакрор олим .....	107
Н.Махмудов, А.Мадвалиев, Д.Худойберганова. Серқирра илм соҳиби.....	109
Н.Улуков. Ибрат .....	112
Х.Хомидий. Поктийнат .....	115

## Илмий ҳаёт

Бахтиёр Назаров .....	122
Умарали Норматов .....	123
Ёрмат Тожиев .....	125
Нуъмонжон Раҳимжонов .....	127
Д.Аскаров. Навоийшунослик анжумани .....	130
М.Кўчкорова. Сувон Мелининг 70 йиллигига бағишлиланган конференция .....	132

# СОДЕРЖАНИЕ

## К 581-годовшине со дня рождения Алишера Навои

Б.Тухлиев. Новые тропы к “Сокровищница мыслей”.....	3
М.Асадов. Образная система фардов Навои .....	9
К.Эргашев. Алишер Навои и история Рим.....	24
С.Рафиддинов. Описание Каабы в творчестве Навои.....	30
Э.Очилов. Изречения Навои и Агахи: традиция, влияние и своеобразие.....	37
А.Эшонбобоев. “Хамса” и её современная интерпретация.....	48
А.Раззаков. Художественный символ и суфийская интерпретация в творчестве Алишера Навои.....	53

## Языкоznание

Ш.Кучимов. Междисциплинарная интеграция в узбекском языкоznании и её влияние на развитие государства и общества .....	59
З.Мукимова. Термин “Языковая картина мира” .....	66

## Научные сообщения

М.Сайдакбарова, В.Журакузиева. Интерпретация ссылок из корана в произведении “Рисалат ат-тайр” .....	74
М.Худойқулова. О факторах возникновения споров в литературной критике ..	78
М.Хидирова. Тема природы и человека в произведениях Тагая Мурада.....	81
Р.Хидиров. Лексико-семантические особенности некоторых медицинских терминов в произведениях навои.....	86
Дж.Юлдашев. Лингвопоэтические возможности художественного повтора в стихотворениях Усман Насыра.....	90
М.Атабаева. Проблемы сохранения авторского стиля в переводе .....	96
М.(Юлдашева) Рустамова. Сравнения в переводах романа “Женщина в песке”.....	100

## Деятели науки

М.Кучкарова. Неповторимый ученый .....	107
Н.Махмудов, А.Мадвалиев, Д.Худайберганова. Человек многогранного научного потенциала .....	109
Н.Улуков. Пример .....	112
Х.Хомидий. Частая душа .....	115

## Научная жизнь

Бахтияр Назаров .....	122
Умарали Нарматов .....	123
Ярмат Таджиев .....	125
Нұйманжан Рахимжанов .....	127
Д.Аскаров. Конференция навоиведения .....	130
М.Кучкарова. Конференция, посвященная 70-летию Сувана Мели .....	132

# CONTENT

## 581th anniversary of Alisher Navoi

B.Tukhliyev. The new path to the “Treasure of meanings” .....	3
M.Asadov. The system of the images Navoi’s fards .....	9
K.Ergashev. Alisher Navoi and Roman history .....	24
S.Rafiddinov. Description of the Kaaba in Navoi’s work.....	30
E.Ochilov. The Wisdoms of the Navoi and Ogahi: tradition, influence and originality.....	37
A.Eshonboboyev. “Hamsa” and modern interpretation.....	48
A.Razzokov. Artistic symbolism and mystical interpretation in the work of Alisher Navoi.....	53

## Linguistics

Sh. Kuchimov. Interdisciplinary integration in Uzbek linguistics and its impact on the development of the state and society .....	59
Z.Mukimova. The term linguistic scenery of the world .....	66

## Scientific information

M. Saidakbarova, V.Juraquziyeva. The interpretations of the quotations from Qur’an in “Risolat at tayr”.....	74
M. Khudoykulova. About factors of the controversy in literary criticism .....	78
M. Khidirova. The theme of the nature and human in the works of Togay Murod....	81
R.Khidirov. Lexical-semantic features of some medical terms in Navoi’s works ....	86
J.Yuldashev. Linguopoetic possibilities of the artistic repetition in the poems of Usmon Nosir.....	90
M.Otaboyeva. Problems of the maintaining author’s style in translation .....	96
M.(Yuldasheva) Rustamova. Some analogies in the translation of the novel “The woman in the sand”	100

## Doers of Sciences

M.Kuchkorova. Unique scientist .....	107
N.Makhmdov, A.Madvaliyev, D.Khudoyberganova. Owner a multilateral science .	109
N.Ulugov. Pattern owner .....	112
Kh.Khomidiy. Sincere .....	115

## Scientific life

Bakhtiyor Nazarov .....	122
Umarali Normatov .....	123
Yormat Tojiyev .....	125
Numonjon Rakhimjonov .....	127
D. Asqarov. Navoi Conference .....	136
M.Kuchkorova. Conference dedicated to the 70th anniversary of Suvon Meli.....	132